

# Сув хужалиги объектларини лойихалаш, куриш ва ундан фойдаланиш

# Режа.

1 • Лойихалаштиришнинг ахамияти ва вазифаси.

2 • Лойихалаштиришнинг асосий тамойиллари.

3 • Лойиха, ишчи хужжатлар ва уларнинг мазмуни.

4 • Лойихалаш  ташкилотларининг структураси, функцияси.

5 • Илмий-тадкикот ишларини ташкил этиш.

6 • Курилиш ташкилотларининг тизимлари.



Бозор иктисодиётига утиш шароитида сув хўжалиги объектларини лойихалаштириш катта ахамиятга эга.

Сув хўжалиги ќурилиши лойихасида ќуйидагилар кўзда тутилиши керак:

- ќурилишнинг иќтисодий самарадорлигини ошириш;

- техникавий жихатдан илѓор, юќори самара берадиган, янги техникани ва технологияни кенг жорий ќилишга мослашган вариантларни ќўллаш;

- ишлаб чиќарилаётган махсулотларни таннархини пасайтириш;

- мехнат унумдорлигини ошириш;

- илмий-техника тараќќиёти ютуќларини ишлаб чиќаришга тадбиќ ќилиш.

# Лойиха ечимларида учраб турадиган камчиликлар ќуйидагилар:

-илмий техника тараќќиёти ютуќларини хаётга жуда сустлик билан тадбиќ ќилиниши;

-баъзи холларда иќтисодий жихатдан ўзини оќламаган объектларни лойихалаштирилиши ва ќурилиши;

-лойихалашнинг узоќ муддатга чўзилиб кетиши, лойихалаш жараёнида ва ќурилиш даврида лойихаларнинг кўп марталаб ўзгариб туриши;

-объект сметаси ќийматини аниќлашда ќўпол хатоларга йўл ќўйилиши;

-бино ва иншоотлар архетиктураси кўпинча бир-бирига ўхшаб ќолиши.


-лойихани техник даражасини ошириш.
-такомиллашган технологик ечимларни ишлаб чиќаришга ќўллаш.
-мехнат унумдорлигини оширишни таъминлаш.
Лойихалашда ќуйидаги масалаларни хал ќилиш зарур хисобланади:
лойиханинг сифатини ва самарадорлигини ошириш,

# 2.Лойихалаштиришнинг асосий тамойиллари

Лойихалаштиришнинг асосий тамойиллари ќуйидагилардан иборат:

**1. Лойихалашнинг бир неча вариантли (оптимал  энг яхши вариантини танлаб олиш учун) бўлиши.**

**2. Лойихалаштиришнинг кетма-кетлиги.**

**3. Бир хил типдаги лойихалардан фойдаланиш.**

**4.Лойихалаштиришнинг мажмуали шаклда бўлиши.**

Бир ҳил типдаги лойиҳалардан фойдаланиш

Бу тамойил қурилишни индустрлаштиришни ривожига таъсир этади, қурилишда кўплаб завод шароитида тайёрланган унификациялашган деталлар ва қисмлар ишлатилади. Бир ҳил лойиҳадан кўплаб қайта-қайта фойдаланиш лойиҳа харажатларини тежайди, лойиҳа сифатини оширади ва унинг қийматини арзонлаштиради.

Лойиҳалаштиришнинг мажмуали шаклда бўлиши

Мажмуали лойиҳада асосий объектнинг лойиҳаси шу мажмуага кирувчи барча қўшимча объектларнинг лойиҳалари билан ўзаро боғланади.

**Амалдаги ќурилиш меъёрлари ва ќоидалари (СНиП) – лойихалаштиришнинг хамма томонларини ўз ичига олади, булар мухандислик ќидирув ишлари, лойихалаш ва ќурилиш ишлари, янгидан ќурилган корхоналарни фойдаланишга ќабул ќилиш, техникавий асослаш, смета ќийматини ва материаллар сарфини аниќлаш, ќурилиш муддати, мехнат сарфи, иш хаќи ва бошќалар.**

# СНиП- ќуйидаги 4 та ќисмдан иборат:

1.Ќурилиш материаллари, жихозлар, мосламалар ва ускуналар. Сарфлар ва ишлатиш меъёрлари.

2.Бино ва иншоотларни лойихалаштириш бўйича ќурилиш хажмини режалаштириш ва конструктивлик ечимларини хал ќилиш усуллари.

3.Ќурилиш ишлаб чиќаришини ташкил ќилиш ва технологияси меъёрлари.

4.Смета меъёрлари ва ќоидалари.

## Лойиха смета ишларини ташкил ќилиш ќилиш ќуйидаги босќичлардан иборат:

-техник – иќтисодий асосларни ишлаб чиќиш;

-техникавий лойиха (лойихалашнинг мазкур босќичида ќурилишнинг ва кейинчалик бу объектлардан фойдаланишнинг хамма асосий масалалари хал ќилинади);

- объектнинг хар бир бўлаклари бўйича ишчи чизмалари тайёрланади.



**Техникавий ишчи лойихалар** (бундай лойихалар бир хил  усулда (типовой) лойихалардан фойдаланиб ќуриладиган объектларни ќуришда ёки мураккаб бўлмаган объектларни ќуришда ишлатилади).

# 3. Лойиха, ишчи хужжатлар ва уларнинг мазмуни.

Тасдиќланган ТИА асосида лойихалаш учун топшириќ ишлаб чиќилади. Лойихалаш учун топшириќ лойихани буюртмачи ташкилот томонидан  бош лойихачи  ва пудратчини жалб ќилиш орќали ишлаб чиќилади.

Лойихани амалга оширадиган ташкилот лойихалаш учун топшириќ олгандан кейин унинг асосий ќоидаларини кўриб чиќади, зарурат бўлса, ќайта кўриб аниќлик киритади ва лойиха ишларини бажаришга киришилади.

# Сув хўжалиги объектларини лойихалаштириш икки босќичли холда амалга оширилади.



Бир босќичли йиѓма сметалик ишчи лойиха техникавий жихатдан мураккаб бўлмаган хамда бир типдаги ва ќайтадан ишлатиладиган самарали лойихаларни ишлатиш орќали объектлар ќуришда ишлатилади.

Икки босќичли йиѓма сметалик лойиха техникавий жихатдан мураккаб бўлган объектларни ќуришда ишлатилади.

# Лойиханинг асосий бўлимлари ќуйидагилар хисобланади.

***<u>Йиѓма тушунтириш хати</u>*** **– бунда лойиханинг хамма бўлимлари бўйича ва лойиханинг асосий техник – иќтисодий кўрсаткичлари хаќида ќисќача маълумот келтирилади.**

***<u>Лойиханинг умумий ќисми</u>*** **– бунда мелиорация ўтказиладиган майдонга тавсифнома берилади (об-хавоси, тупроѓи, ернинг текис ва нотекислиги ва бошќа табиий шароитлари келтирилади). Бундан ташќари мазкур майдондан хўжалик учун фойдаланишнинг хозирги ахволи, ќурилишнинг бош режаси ва ўзлаштириш режаси кўрсатилади.**

***<u>Лойиханинг иќтисодий ќисми</u>*** **– бунда сув ва ќишлоќ хўжалиги учун капитал ва жорий харажатлар ќилиниши хаќида маълумотлар, режадаги махсулот ќиймати, капитал ќуйилмаларни ўзини-ўзи ќоплаши, техник–иќтисодий кўрсаткичлар ва бошќалар кўрсатилади.**

***Мелиорация ўтказиладиган майдонларда ќишлоќ хўжалигини ташкил ќилиш***. **(янги ерларни ўзлаштириш навбати ва усуллари мехнат унумдорлигини, ишчи кучига бўлган талабини ва техникага бўлган талабини аниќлаш).**

***Техникавий ќисми*****да - чизмалар, ўлчамлар, кўрсаткичлар аниќланади. Бунда сув хўжалиги сметаларда фойдаланиш (эксплуатация) харажатларининг миќдори, хўжаликка хизмат кўрсатишни ташкил ќилиш, сув таъминоти ва бошќалар аниќланади.**

***Ќурилиш ишларини ташкил ќилиш*** **(ишларнинг навбат билан бажарилиши ва усуллари, ќурилиш индустриясининг базалари ва бошќалар).**

Смета билан ишчи хужжатлар лойиха ва йиѓма сметани тасдиќлангандан кейин ишлаб чиќилади.

Бунда - ќурилиш ишчи чизмалари, сметалар, ишларнинг хажми кўрсатилган рўйхатлар, иншоотларнинг чизмалари, бўлажак режалари, ишларнинг хажми, шакли, канал ва зовурларнинг схемаси, табиатни мухофаза ќилиш билан боѓлиќ бўлган ишланмалар, мехнат хавфсизлиги ќоидалари, ишдан чиќиб ќолган ерларни ќайта тиклаш ва бошќалар.



# “Нима учун?”

Нима учун халқ хўжалигида, ишлаб чиқаришда корхоналар орасида рақобатбардошлик тушунчасига эътибор катта?

Нима учун?

Маҳсулот сифатини ошириш учун

Нима учун?

Истеъмолчилар эҳтиёжини қондириш учун

Нима учун?

Ресурслардан оқилона фойдаланишни таъминлаш учун

Нима учун?

Аҳолини етарли маҳсулот билан таъминлаш учун

Нима учун?

Нима учун?

Корхоналар салоҳиятини ошириш учун

Нима учун?

Маҳсулот турини кўпайтириш учун

Нима учун?

Жаҳон бозорига рақобатбардош маҳсулот чиқариш учун

# 4. Лойихалаш ташкилотларининг структураси, функцияси.

- Сув хужалиги объектларини лойихалашда энг мухим боскичлардан бири  лойихани ишлаб чиқиш тартибини келишиб олиш, экспертизадан утказиш ва тасдиқлаш ҳисобланади.
- Лойиҳа ишларининг бошқариш билан бўлган масалаларни ўрганишни сув хужалигининг лойиҳа-қидирув ташкилотлари ва унинг ташкилий структурасидаги тизимда кўриб чиқиш билан тугаллаш лозим.
-  Бунда асосий эътибор  лойиха материалларини ишлаб чиқишда бош технологик бўлинма булган лойиҳа бўлинмаларига қаратилади.

Лойихалаштирилган сув қурилиши объектларини кўришга ва уни бошқариш билан боғлик бўлган масалаларни ўрганишда қурилишнинг алоҳида томонларига катта эътиборни қаратиш лозим, яъни бошқариш жараёнини тўла ўзида акс эттирувчи томонларга қаратмок лозим.

Шу буюртмачи ташкилотлар, тармоклар, бошкариш органлари, лойихачилар, буюртмачилар ва пудратчилар уртасидаги мураккаб узаро муносабатларни урганишга хамда курилиш-монтаж ишларини амалга оширишга янгича ёндашиш лозим булади.

Урганувчи курилишни бошкаришнинг ташкилий структурасини билиши лозим. Сув хужалиги акционерлик жамиятлари, маъсулияти чекланган курилиш ташкилотлари каби ташкилотлардаги муаммолар ва уларни ечиш йулларини, курилиш ишлаб чикариши самарадорлигини ошириш омилларини билиши лозим.

Шунингдек асосий эътибор сув хужалиги эсксплуатация ташкилотларини бошкаришга каратмок максадга мувофикдир. Эксплуатация ташкилотлари фаолиятини бажариладиган ишлар тури ва таркибини урганишдан бошлаш лозим.

Бунга мелиорация тизимини ишчи холатида саклаш ва унга мос равишда эксплуатация килиш, иншоотлар, унинг тармокларини жорий хамда капитал таъмирлаш ва бопкалар киради.

Кейин эксплуатация ташкиилотларининг фаолиятини ташкил этиш, унинг, таркиби ва булинмаларини ўрганиш лозим. Кейинги боскичда эксплуатация ташкилотларини бошкаришни урганиш лозим

Сув хужалиги ташкилотлари билан эксплуатация ташкилотлари уртасидаги узаро муносабатларни ўрганиш алохида ахамиятга эгадир.

# Курилишда асосий хужжат лойиха-смета хужжатлари хисобланади.

Куриладиган объектнинг умумий самарадорлиги қуйидагиларга боғлиқ бўлади.

- узок муддат хизмат килишига
- ишончлилиг ига,
- лойиханинг тугрилигига
- асосланганл игига,
- техник даражасига

# Лойиханинг сифати куйидаги омиллар билан белгиланади:



Объектнинг йириклиги ва мураккаблигига караб лойихалаш бир ёки бир неча боскичда олиб борилади. Йирик гидромелиоратив тизимлар ва объектлар (мураккаб табиий шароитларда бажариладиган) дастлаб лойихалаштиришдан олдин бажариладиган ишларни бажариш асосида олиб борилади.

Бу техник-иктисодий асоснома (ТИА) ёрдамида бажарилади. ТИАнинг асосий вазифаси ерларни мелиорациялаш режаси ва сув хужалиги курилишининг истиќболли режаларига мос равишда вариантларни танлаш ва асослаш ишларини олиб боришдир



- Инженерлик ишларини асослаш билан бирга ТИАда курилишнинг навбати курсатилади ва биринчи навбатда бажариладиган ишлар, курилишнинг тахминий муддати аникданади, ишни бажариш усули ва асосий лойихалар белгиланади, курилишни ташкил этиш буйича карорлар кабул килинади, курилиш базаси аникланади, унинг киймати ва лойиха тадбирларининг иктисодий самарадорлиги аникланади.



ишчи чизмалар

+

техник лойиха

→

ТИА тасдиклангандан кейин йирик мураккаб курилиш лойихалари икки боскичда олиб борилади:

# 5.Илмий-тадкикот ишларини ташкил этиш.

Лойихалаш институтлари мустакил ташкилот булиб, унга аник вазифаларни бажариш юклатилган булади. Шу муносабат билан хар бир ташкилотнинг структураси узига хос хусусиятларга эгадир. Улар умумлашган холда бошка булинмалар функциялари билан келишган булади.

Лойиха ташкилотларининг асосий ишлаб чикариш булинмалари булимлар булиб, улар махсус ишларни бажаришга ихтисослашган булади. Шу муносабат билан белгиларига караб лойиха булинмалари куйидагича гурухлаш мумкин.



**Комплекс лойихалаш булими (сугориладиган, куритиладиган, сув чикариладиган), йирик гидротехник булим "(гидроузел, каналлар), ихтисослашган булим хар хил иншоотлар буйича (гидротехник ва номунавий иншоотлар, насос станциялари), лойиханинг хар хил булинмалари буйича ихтисослашган булимлар(автоматика, электр курилмалар, курилишни ташкил этиш, смета, эксплуатация, иктисод ва бошкалар).**

**Мураккаб лойихалар ишлаб чикишда барча лойихалаш булимлари иштирок этади. Бунда барча булимларни материаллар билан таъминловчи инженер-кидирув булимининг урни каттадир.**

Лойихани ишлаб чикишда бош инженер, аникроѓи лойиха бош инженерининг (ЛБИ) тутган урни каттадир. Таъкидлаш жоизки, бош  инженер рахбарлигида барча ишлар бажарилади. Лойиха таркибига  кирувчи алохида муаммоларни бош мутахассислар лойиха гурухлари  билан бирга бажаради.

Бош мутахассислар лавозимига катта тажрибага  эга булган инженерлар тайинланади.  Бу инженерлар алохида олинган вазифалар ва хисоб-китоб буйича мутахассис хисобланади.



# 6.Қурилиш ташкилотларининг тизимлари

**Қурилиш ташкилотларини бошқариш тизими, у бажарадиган капитал қурилиш олиб борадиган тармоққа хос бўлган хусусиятлар билан шаклланади.**

**Мавжуд амал қилиб келинаётган шароитда қурилиш корхоналари тизимида асосий хўжалик бўлими қурилиш акциядорлик жамиятлари (АЖ) хисобланади.**



Улар йирик обьектларда иш олиб боради. Бу обьектлар вилоятларда ёки туманларда булиши мумкин.

Қурилиш акциядорлик жамиятлари таркибига ихтисослашган қурилиш-мантаж бошқармалари (ИҚМБ), қурилиш-мантаж бошқармалари (ҚМБ), ёки давлат унитар қурилиш корхоналари (ДУҚК) киради. Уларнинг таркибига қурилиш участкалари алохида ажралиб туради.



Қурилиш акциядорлик жамиятлари, доимий ишлаб чиқариш базалари, карьерлар, бетон қоришмасини тайёрловчи йиғма темир бетон тайёрловчи корхоналар.

КМБ ва ДУҚКларни иш билан таьминловчи ташкилотлар, таьминлаш корхоналари зарур механизмлар билан таьминланган механизация паркига эга бўлади.



- **Умумқурилиш ва ихтисослашган қурилиш акциядорлик жамиятлари, уларнинг булинмалари хилма-хилдир. Улар вақт ўтиши билан ташкил этилади хамда туманнинг хўжаликларида бажарадиган ишларнинг ўзига хос хусусияти билан белгиланган бўлади.**



# ВЕННА ДИАГРАММАСИ

**Лойиха ташкилотлари ташкилий структураси**

- Босқичларда бажариладиган ишларнинг изчиллиги ва мазмуни тўғрисидаги маълумотлар-режалаштириш, тадқиқот ишлари, лойиҳалаш ва объектни қуриш буйича маълумотлар олинади.
- Бунда асосий эътиборни лойиҳа-смета ҳужжатларининг сифат мезонига қаратиш лозим. Сўнг лойиҳани ишлаб чиқишга киришиш мумкин.

- Маълумотлар йиғилади
- Лойиҳа босқичма босқич амалга оширилади

**Сув хўжалиги ташкилотлари структураси**

- Лойихани ишлаб чиқиш тартибини келишиб олиш, экспертизадан ўтказиш ва тасдиқлаш ҳисобланади.
- Лойиха ишларининг бошқариш билан бўлган масалаларни ўрганишни сув хўжалигининг лойиха-кидирув ташкилотлари ва унинг ташкилий структурасидаги тизимда кўриб чиқиш билан тугаллаш лозим.